

ISSN  
2181-2128

2022  
I SON




**"ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ"**  
илмий электрон журнали

**"ЛОГИСТИКА И ЭКОНОМИКА"**  
научно-электронный журнал

**"LOGISTICS AND ECONOMY"**  
scientific-electronic journal

[www.economyjournal.uz](http://www.economyjournal.uz)

Электрон журнал Олий Аттестация комиссиясининг миллий илмий нашрлари рўйхатига киритилган.



## ТАҲРИРИЯТ КЕНГАШИ

### *Таҳририят Кенгаши раиси*

**Муҳиддин Бахритдинович Калонов**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

### *Таҳририят Кенгаши раиси ўринбосари*

**Комил Раббимович Хотамов**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

### *Бош муҳаррир*

**Фаҳриддин Икромович Исаев**

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

### **Таҳририят Кенгаши аъзолари:**

**и.ф.д., акад.** Каландар Ходжаевич Абдурахманов

**и.ф.д., проф.** Абдуқодир Ҳамидович Тошқулов

**т.ф.д., проф.** Кунгратбай Авазимбетович Шарипов

**и.ф.д., проф.** Одил Қаландарович Абдурахманов

**и.ф.д., доц.** Мансур Пўлатович Эшов

**и.ф.д., проф.** Гулнора Каландаровна Абдурахманова

**и.ф.д., проф.** Мамаюнус Қаршибоевич Пардаев

**и.ф.д., проф.** Нодир Хосиятович Жумаев

**и.ф.д., проф.** Тулқин Хайитмуродович Фарманов

**и.ф.д., проф.** Алишер Жўраевич Тўйчиев

**и.ф.д., проф.** Адхам Азизович Фаттахов

**и.ф.д., проф.** Садридин Каримович Худойқулов

**и.ф.д., проф.** Султонали Умаралиевич Мехмонов

**и.ф.д., проф.** Шойзоқ Рахматович Холмўминов

**т.ф.д., проф.** Алимжон Ахмаджонович Рискулов

**и.ф.ф.д.,(PhD)** Kliment Lazarashvili (АҚШ, Жоржиа ХУ)

**и.ф.д., проф.** Hermann Sterzinger (Германия, Мюьнхен ТУ )

**и.ф.д., проф.** Masato Hiwatari (Япония, Токио ХУ)

**и.ф.д., проф.** Михаил Исакович Кутер (Россия Федерацияси, Кубан ГУ)

**и.ф.д., проф.** Sung Dong Ki (Корея, Сеул МУ)



**и.ф.д., проф.** Татаьяна Борисовна Леберьт (Россия Федерацияси, Урал ГНТУ)  
**и.ф.д., проф.** Зият Ниязович Қурбанов  
**и.ф.д., проф.** Шахноза Жасуровна Эргашходжаева  
**и.ф.д., проф.** Акрот Абдиевич Хошимов  
**и.ф.д., проф.** Расул Олимович Холбеков  
**и.ф.д., проф.** Ақтам Усманович Бурханов  
**и.ф.д., проф.** Баходир Акрамович Хасанов  
**и.ф.д., проф.** Каримжон Бакиджанович Ахмеджанов  
**и.ф.д., проф.** Неъматулла Фатхуллаевич Каримов  
**и.ф.д., проф.** Олим Мамаюнусович Пардаев  
**и.ф.д., доц.** Бегматжон Юлдашалиевич Мақсудов  
**и.ф.д., доц.** Нурбек Кадиорович Ризаев  
**и.ф.д., доц.** Жаҳонгир Жалолдинович Урмонов  
**и.ф.д.,** Исламбек Машарипович Ниязметов  
**и.ф.д., доц.** Нодира Баходировна Абдусаломова  
**и.ф.н., проф.** Шахло Тургуновна Эргашева  
**и.ф.н., доц.** Норбута Эшназарович Бабахалов  
**и.ф.ф.д (PhD), доц.** Мунис Қурбонович Абдуллаев  
**и.ф.ф.д., проф.** Одилжон Собирович Абдураззаков (Германия, Кёльн БМ)  
**и.ф.ф.д (PhD).** Бобир Ортиқмирзаевич Турсунов  
**и.ф.ф.д (PhD).** Мақсуд Сувонқулович Рустамов  
**и.ф.ф.д (PhD).** Илҳом Ғиёзович Кенжаев  
**т.ф.ф.д (PhD).** Ботир Инатович Абдуллаев

#### **Масъул муҳаррир**

**и.ф.д., доц.** Гулнора Мардиевна Шадиева

**Веб-администратор** А.Маматов

# "ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ" илмий электрон журнали

2022 ЙИЛ  
1 СОН

## МУНДАРИЖА:

<b>Khursandov K.M. Safarov S.S.</b>	<i>Problems of attracting investments and efficient use of investments in the field of mechanical engineering and metalworking</i>	<b>7</b>
<b>Matkabulova D.</b>	<i>The frameworks and difficulties for tourism investment drivers and investments in tourism</i>	<b>15</b>
<b>Ochilov B.B.</b>	<i>Mamlakatga xorijiy investitsiyalarni jalb etishda investitsion jozibadorlikni oshirish istiqbollari</i>	<b>20</b>
<b>Safarov G.A. Samandar R.S.</b>	<i>The role of digital banking services in increasing the competitiveness of commercial banks</i>	<b>25</b>
<b>Saydullaev Sh.Z.</b>	<i>Savdo korxonalari raqobatbardoshligini baholash uslubiyatini takomillashtirish</i>	<b>30</b>
<b>Tursunov J.P. Nuritdinova M.D</b>	<i>O'zbekistonda tadbirkorlik muhitini rivojlantirish tahlili</i>	<b>37</b>
<b>Tursunxodjaev S.J.</b>	<i>Methodical aspects of competitive intelligence in marketing</i>	<b>44</b>
<b>Абдиева Н. Раджабова Г.</b>	<i>Экономическая сущность инвестиций, их содержание и роль в развитии промышленных предприятий</i>	<b>52</b>
<b>Абдувалиев С.А.</b>	<i>Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда инвестицион-инновацион фаолиятнинг ривожланиш тенденциялари</i>	<b>61</b>
<b>Абдуллаев З.А.</b>	<i>Молиявий операцияларда солиқларнинг муҳим жиҳатлари</i>	<b>70</b>
<b>Абдурахмонов И.Х.</b>	<i>Суғурта соҳасида блокчейн технологиясини қўллаш имкониятлари ва истиқболлари</i>	<b>75</b>
<b>Абдусаломова Н.Б.</b>	<i>Проблемы перехода к международными стандартами финансовой отчетности и пути совершенствование бухгалтерского учета</i>	<b>81</b>
<b>Азимова Ф.П. Қўзиёв С.А.</b>	<i>Жаҳон мамлакатлари кластерлари ва Ўзбекистондаги кластерларнинг келгусидаги истиқболлари</i>	<b>87</b>
<b>Алиқулов М.С.</b>	<i>Ўзбекистонда суғурта ташкилотларининг инвестицион фаолияти ва унга оид тенденциялар таҳлили</i>	<b>94</b>
<b>Амиров А.</b>	<i>Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида мажбуриятларни баҳолаш масалалари</i>	<b>103</b>
<b>Ахадов Б.А.</b>	<i>Банк суғуртаси ва унинг амал қилиш механизмлари</i>	<b>109</b>
<b>Базаров Х.М.</b>	<i>Кам рентабелли конларни хўжалик фаолиятига жалб қилишда халқаро тажриба: Ўзбекистон Республикаси ва хориж амалиёти</i>	<b>115</b>
<b>Бакиева И.А. Файзиёв Ш.Ш.</b>	<i>Инновацион тadbirkorlik фаолиятини ташкил этиш шарт-шароитлари ва омиллари</i>	<b>121</b>

<b>Бекназаров З.Э.</b>	Ўзбекистонда ишсизликни ижтимоий суғурта тизими орқали молиялаштириш йўналишлари	<b>127</b>
<b>Гаипов Ж.Б.</b>	Платежные системы: их сущность, виды, структурные элементы и роль в экономике	<b>134</b>
<b>Жумаев Н.Х. Султонмуродов Б.Б.</b>	Проблемы развития кредитования корпоративных клиентов и пути их решения	<b>143</b>
<b>Жумаев Ш.</b>	Республикамизда йирик солиқ тўловчилар маъмурчилиги таъминланишини такомиллаштириш масалалари	<b>149</b>
<b>Зуфарова Н.Г.</b>	Олий таълимнинг бренд капитали – ташкилотнинг номоддий активи сифатида	<b>154</b>
<b>Ибрагимов Ф.А.</b>	Кичик бизнес субъектлари экспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашнинг услубий масалалари	<b>160</b>
<b>Камалов А.С.</b>	Транспорт-логистика тизимларини бошқариш стратегияларини ишлаб чиқишнинг графоаналитик услублари	<b>170</b>
<b>Каримов Н.Г. Мирпулатова Л.М.</b>	Повышение роли виртуальных банков в развитии цифровой экономики	<b>178</b>
<b>Мамадияров З.Т.</b>	Рақамли трансформация жараёнида банк хизматларини масофадан кўрсатиш тизимларини барқарор ривожлантириш концепцияси	<b>186</b>
<b>Маматкулова Я.Д.</b>	Ўзбекистонда пенсия тизимини ислоҳ этишда хорижий тажрибаларни қўллаш амалиёти	<b>197</b>
<b>Маматқулова Ш.Ж.</b>	Чакана савдода аҳолига савдо хизмати кўрсатишда мерчендайзингнинг ўрни ва аҳамияти	<b>204</b>
<b>Маматов Б.</b>	Пенсияларнинг назарий асослари	<b>209</b>
<b>Маҳмудов М.Ф.</b>	Кластерлар асосида ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг илғор мамлакатлар тажрибаси	<b>220</b>
<b>Мейлиев О.Р.</b>	Ер солиғининг маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишдаги аҳамияти	<b>228</b>
<b>Мирабзалов М.М.</b>	Формирование цифрового банковского обслуживания в режиме цифровизации	<b>236</b>
<b>Муминова Э.А.</b>	Ўзбекистонда тўқимачилик тармоғини ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари	<b>241</b>
<b>Назаров Р.Ф.</b>	Особенности страхования транспортных средств	<b>249</b>
<b>Нарзуллаева Г.</b>	Туризмда инвестицион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари ва амал қилишининг ташкилий жиҳатлари	<b>256</b>
<b>Норов А.Р.</b>	Тижорат банклари хизмат турларини "Digital banking" рақамли банкинг регулятор тизими орқали ривожлантириш истиқболлари	<b>261</b>
<b>Пардаев Т.Н.</b>	Божхона тўловларидан бериладиган имтиёз ва преференцияларни қўллашни такомиллаштириш йўллари	<b>267</b>
<b>Пардаев Ш.Х.</b>	Рақамли иқтисодий муносабатлар тизимида товар ҳаракатини такомиллаштиришнинг йўналишлари	<b>274</b>
<b>Паязов М.М.</b>	Транспорт-логистика йўлаклари негизда хизматлар бозорини бошқариш методологиясини ишлаб чиқиш	<b>280</b>
<b>Ражабов Ш.У.</b>	Ўзбекистонда ижтимоий ислохотлар шароитида пенсия тизимининг роли	<b>286</b>
<b>Султонмуродов Б.Б.</b>	Роль привлечённых средств международных финансовых институтов в кредитной деятельности коммерческого банка	<b>292</b>



## ТУРИЗМДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АМАЛ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИХАТЛАРИ

**Нарзуллаева Г.**

Бухоро давлат университети

**Аннотация:** Мақолада туризм соҳасида инвестициялар ва инвестицион фаолиятнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Туризмда инвестицион фаолият амал қилишининг ташкилий жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, туризмда инвестицион фаолиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари келтирилган.

**Калит сўзлар:** туризм, инвестиция, инвестицион фаолият, инвестиция сиёсати, инвестицион фаолият тамойиллари.

## SPECIFIC FEATURES OF INVESTMENT ACTIVITY IN TOURISM AND ORGANIZATIONAL ASPECTS OF ITS IMPLEMENTATION

**Narzullayeva G.**

Bukhara State University

**Annotation:** The article covers the importance and specific features of investment and investment activities in the field of Tourism. Organizational aspects of the validity of investment activities in tourism are investigated. Also, the priority areas of development of tourism investment activity are presented.

**Key words:** tourism, investment, investment activity, investment policy, investment activity trends.

### 1. Кириш.

Иқтисодиётни трансформациялашнинг аҳамияти тобора ортиб бораётганлиги миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири ҳисобланган туризмни ривожлантиришни объектив заруратга айлантормоқда.

Зеро, туризм жаҳондаги энг кўп фойда келтирувчи бизнес турларидан бири бўлиб, у бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми ва дунёнинг кўпгина мамлакатларида шиддат билан ривожланиб бораётган стратегик тармоққа айланиб улгурди.

Туризм нафақат ривожланган, балки ривожланаётган, ҳаттоки, нисбатан паст ривожланиш даражасидаги мамлакат ва ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг катализатори ҳисобланади. Туризм соҳасида яратилган битта янги иш ўрни саноат тармоғига нисбатан 20 баробарга арзонга тушади, бирор-бир мамлакатга ташриф буюрувчи ҳар 30 та сайёҳ бевосита битта ёки билвосита иккита янги иш ўринларини барпо қилишга имконият яратади.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти (UNWTO) бош котиби Зураб Пололикашвилининг таъкидлашича, "Дунё бўйлаб, ҳар қандай ривожланиш даражасидаги мамлакатларда, миллионлаб иш ўринлари ва корхоналар кучли ҳамда ривожланган туризм соҳасига боғлиқдир. Туризм, шунингдек, табиий ва маданий меросни ҳимоя қилишда ҳаракатлантирувчи куч бўлиб, уларни келажак авлодлар баҳраманд қилишлари учун сақлаб қолмоқда"<sup>1</sup>.

Бугунги замонавий шароитларда маълум бир соҳани ривожлантиришда инвестициялар ва инвестицион фаолият ўзига хос муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Халқаро иқтисодиётнинг глобаллашув жараёнлари ривожланиш тенденциялари таҳлили инвестиция фаолияти ва уни диверсификациялаш, қулай инвестиция муҳитини яратиш

<sup>1</sup> <https://www.unwto.org/>

маълум бир тармоқнинг тараққиётини таъминлайдиган дастаклардан бири эканлигини исботламоқда. Шунга асосан, туризм соҳаси тараққиётини таъминлашда инвестицион фаолиятни ривожлантириш ҳамда унинг механизмларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

## **2. Адабиётлар шарҳи.**

Туризмда инвестицион фаолият ва унинг амал қилиш хусусиятларини тадқиқ этишдан аввал инвестиция фаолиятининг мазмун-моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини ёритиш даркор. Хусусан, кўплаб хорижий ва маҳаллий нашрларда инвестициялар ҳамда инвестицион фаолият масалаларининг айрим жиҳатлари ёритилган.

Жумладан, Фатхутдиновнинг (1997) фикрича, “инвестициялар – бу капитални сақлаш ва ошириш мақсадидаги пуллик қўйилмалардир”. Шунингдек, инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг ташкилий механизмнинг амал қилиш хусусияти иқтисодийдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлантириш, хорижий инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш орқали янги иш ўринларини шакллантириш”дир.

Чубариннинг (2001) фикрича эса, “инвестиция фаолияти - инвестиция жараёни иштирокчиларининг капитални тўплаш, ўзгартириш, жойлаштириш, қўйиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган, иқтисодий тизимда максимал ижобий иқтисодий ва ижтимоий натижа олишга қаратилган муносабатлари йиғиндисидир”.

Туризмда инвестицион фаолият ва унинг ташкилий-иқтисодий масалалари ҳам кўплаб олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўз аксини топган бўлиб, уларнинг аксарият қисми бир-бирини тўлдиришга хизмат қилади.

Валинурованинг (2015) қайд этишича, “туризм соҳасидаги инвестицион фаолият - инвестиция сифатида киритилган маблағлардан даромад олиш учун маълум бир мамлакат ичида ва ташқарисида туризм саноатига узоқ муддатли капитал қўйилмалар шаклида молиявий ресурслардан фойдаланишни ўз ичига олади”.

Вякина (2012) эса “туризм соҳасидаги инвестициялар капитал ҳисобидан турли сайёҳлик хизматларини кўрсатишга қодир бўлган туристик объектларини яратиш, модернизация қилиш ёки реконструкция қилиш жараёнидир” дея таъриф келтирган.

Мамлакатимизда ҳам туризм соҳасида инвестицион фаолият амал қилишининг механизмлари ва ташкилий-иқтисодий масалалари атрофлича тадқиқ этилган. Хусусан, Алланазаров (2018) туризмда инвестицион фаолиятнинг амал қилишини қуйидагича изоҳлайди: “туризмда инвестицион фаолият – бу инвестиция жараёни иштирокчиларининг капитални жамғариш, ўзгартириш, жойлаштириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатлари бўлиб, туризм соҳасида макро ва микро даражада максимал ижобий иқтисодий ва ижтимоий натижа олишга қаратилган капиталдан фойдаланиш жараёнидир”.

Бизнингча, туризмда инвестицион фаолият – бу соҳанинг ривожини таъминлашга хизмат қиладиган, яъни туристик фаолиятни амалга ошириш ва уни рағбатлантириш учун йўналтириладиган маблағларни бошқариш муносабатлари йиғиндисидир. Ушбу муносабатларда туристик фаолиятни тизимли қўллаб-қувватлашга асосланган ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий, молиявий услублар мажмуаси тартибга солинади.

## **3. Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот жараёнида туризм соҳасини ривожлантиришда инвестициялар ва инвестицион фаолиятнинг аҳамияти, амал қилишининг ташкилий жиҳатлари, миллий ва хорижий амалиётлар таҳлили натижасида туризмни ривожлантиришда инвестицион фаолиятнинг назарий ва ташкилий жиҳатлари, мавзуга боғлиқ кўплаб назарий адабиётлар, мантиқий фикрлаш, таққослаш илмий мушоҳада, тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилган.

## **4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Инвестицияларни жалб қилиш ҳажмининг ошиши ҳамда инвестицион фаолиятнинг ривожланиб бориши таъсирида макроиқтисодий муҳитдаги иқтисодий жараёнларнинг мураккаблашуви ноаниқ бозор шароитидаги салбий тенденцияларни енгиб ўтишга

ёрдам берадиган тармоқ инвестицион лойиҳаларни рағбатлантиришнинг мослашувчан дастаклари ва механизмларини шакллантириш заруратини юзага келтиради. Зеро, бозор муносабатларининг тобора чуқурлашуви натижасида инвестиция фаолиятини рағбатлантириш механизмидан фойдаланиш тармоқ корхоналари учун иқтисодий фаолият самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев: "Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади", дея таъкидлагани бежиз эмас, албатта (Мурожаатнома, 2018).

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бирига айлантириш масалалари долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Умуман олганда, иқтисодиётда инвестицион фаолиятнинг бошқарув объекти элементларида нафақат молиявий-иқтисодий қолаверса ижтимоий ҳамда институционал манбалардан комплекс фойдаланиш каби амал қилиш қилиш хусусиятларининг мавжудлиги уни иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида ривожлантириш имкониятларининг яққол намоён бўлишини таъминлайди.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор вазифалари ички ва кириш туризмни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, доимий туристик оқимларни шакллантириш, туризм соҳаси инфратузилмасини яратиш ва юқори даражада қопланадиган инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ҳамда инвестицион фаолият механизмларини такомиллаштириш бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда туризм соҳасига инвестиция киритишнинг қуйидаги асосий усуллари мавжудлиги маълум:

- фуқаролар ва нодавлат институтлар томонидан;
- амалда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган давлат инвестициялари;
- хорижий агентлар томонидан туристик бизнесга инвестициялар шаклида киритиладиган маблағлар;
- Биргаликда молиялаштириш;
- Инвестицион фондлар ва компаниялар (*бошқача айтганда, молиявий воситачилар орқали*) орқали инвестиция киритиш.

Туризмда инвестицион фаолият амал қилишининг ташкилий жиҳатларида инвестицияларни таснифлаш ҳамда инвестиция фаолиятини амалга ошириш тамойиллари муҳим аҳамият касб этади.

Туристтик фаолиятда инвестицияларни қуйидаги мезонларга кўра таснифлаш мумкин:

1. Инвестицияларни амалга ошириш соҳаси.

Масалан, молиявий инвестициялар – қимматли қоғозларга қўйилмалар, реал инвестициялар – ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарларига капитал қўйилмалар.

2. Инвестицияларни амалга ошириш муддати.

Шундай қилиб, амалга ошириш муддатларига кўра узоқ муддатли инвестициялар - ўн ёки ундан ортиқ йил, ўрта муддатли инвестициялар - беш йилдан ўн йилгача, қисқа муддатли инвестициялар эса - бир йилгача ёки ундан кам муддатни қамраб олади.

3. Инвестициялар турлари.

Инвестицияларнинг қуйидаги турлари гуруҳланади: тўғридан-тўғри инвестициялар - инвестор томонидан кейинчалик активлар бўйича талабларни сотиб олган ҳолда маблағларни инвестиция қилиш; билвосита инвестициялар - шаклланаётган портфелдаги молия йўналиши; интеллектуал инвестициялар - ноу-хау, патентлар, лицензиялар сотиб олиш.

4. Инвестициялардан фойдаланиш соҳаси.

Инвестициялар туризм корхонасини ташкил этиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.



Бундай инвестициялар янги корхона активларини яратишга хизмат қилади. Бундан ташқари, тўғридан-тўғри жорий ёки капитал таъмирлаш, шунингдек, ускуналарни алмаштириш билан боғлиқ бўлган жорий инвестициялар ажратилади. Шунингдек, юқори талаб ва таклиф ҳажмининг кенгайиши билан боғлиқ бўлган юзага келадиган қўшимча инвестициялар гуруҳи ҳам ажратилади.

#### 5. Инвестициялар ҳажми.

Ҳозирги вақтда кичик, ўрта ва катта инвестициялар гуруҳлари мавжуд. Қоида тариқасида, туризм соҳасига инвестициялар ҳажми муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни ёки ҳар қандай хизматларни тақдим этиш миқёсига қараб шаклланади.

Туризм соҳасида инвестиция фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантириш ва фаолият кўрсатиш самарадорлиги кўп жиҳатдан иккита муҳим нуқтага асосланади:

- алоҳида инвестиция объектларининг (*йўналишларининг*) инвестиция жозибadorлиги (*туризмнинг асосий йўналишлари, кўргазма объектлари, туристик йўналишлар ва бошқалар*);

- инвестиция устуворликлари.

Чунки инвестицион жозибadorлик соҳа ёки тармоққа сармоянинг кириб келишини белгиловчи инвестиция фаоллиги билан белгиланадиган объектив иқтисодий, ижтимоий ва табиий белгилар, воситалар, имкониятлар ва чекловларнинг йиғиндисидир. Зеро, инвестицион муҳит жозибadorлиги соҳага инвестициялар жалб этишга бевосита таъсир кўрсатади.

Туризм соҳасидаги инвестицион фаолияти кўпинча тармоқлараро ва минтақалараро хусусиятга эга, чунки кўплаб инвестиция объектларининг фаолият кўрсатиши миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари (озиқ-овқат сектори, банк, чакана савдо ва бошқалар) ишининг интеграциялашувига боғлиқ. Бунда эса туризм инфратузилмасининг қай даражада шаклланганлиги ва ривожланганлиги муҳим ҳисобланади.

Туризм соҳасида инвестицион фаолият амал қилишининг тамойиллари мазкур соҳа ишини белгиловчи усулларни ўзида қамраб олиб, объектив аҳамият касб этади.

Ушбу тамойиллардан бир қанчасини келтириш мумкин. Бироқ уларнинг асосий гуруҳлари қуйида кўрсатилган.

1. Тизимлилик тамойили. Мазкур тамойил инвестиция қарорларини қабул қилишда тизимли таҳлилдан фойдаланишни англатади. Бунинг сабаби туризм соҳасининг катта очик тизим эканлиги билан изоҳланади;

2. Комплекслик тамойили. Ушбу тамойил инвестиция фаолиятининг ҳозирги, стратегик ва тезкор бошқарувини бирлаштиришни қамраб олади.

3. Мослашувчанлик тамойили. Бунда ички ва ташқи таъсир орқали инвестиция жараёнининг мослашувчанлиги таъминланади;

4. Узлуксизлик тамойили. Мазкур тамойил илгари белгиланган жадвал ёки графикка мувофиқ доимий инвестицияларни ўз ичига олади;

5. Хатарларни ҳисобга олиш тамойили. Бунда туризм соҳасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ва инвестиция фаолияти жараёнида юзага келиши мумкин бўлган хавф даражасини аниқлаш талаб этилади.

Соҳада рақобатбардошликни таъминлаш, янги туристик маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муаммосини комплекс ва тизимли ёндашув нуқтаи назаридан ўрганиш фаол инвестицияларни жалб этиш ҳамда рағбатлантиришда инвестицияларни таҳлил қилиш, прогнозлаш ва диагностика қилишнинг асосий тамойилларини шакллантириш зарур.

#### 5. Хулоса ва таклифлар.

Кейинги йилларда иқтисодий жараёнларнинг глобаллашиб бораётганлиги туризм соҳасининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жаҳонда иқтисодий тараққиётнинг юксалиши кишиларнинг турли мақсадларда бир мамлакатдан иккинчисига қатнаб туриш кўламининг кенгайишини тақозо этади. Бу эса туризмни миллий иқтисодиётнинг энг истиқболли тармоқларидан бирига айлантirmoқда.

Туризм соҳасига инвестицияларнинг сезиларли даражада ортиши шароитида уларни самарали тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, инвестиция фаолияти механизмини шакллантириш йўналишларини белгилаш масалаларини ҳал этишнинг долзарблиги тобора ортиб бормoқда.

Туризм соҳасида инвестицион фаолиятни ривожлантириш, фаол инвестициялар жалб этишни такомиллаштиришда туризм инфратузилмаси фаолиятини тараққий эттириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Зеро, туризмда инвестицион фаолиятни ривожлантириш орқали соҳани иқтисодийнинг стратегик тармоқларидан бирига айлантиришга эришиш мумкин.

#### **Адабиётлар/Литература/Reference:**

Алланазаров Б.Д. (2018) Особенности организационно-экономического механизма инвестиционной деятельности и стратегии развития сферы туризма в Узбекистане. Бюллетень науки и практики / Bulletin of Science and Practice. №12. / Allanazarov B.D. (2018) Features of the organizational and economic mechanism of investment activity and the development strategy of the tourism sector in Uzbekistan. Bulletin of Science and Practice / Bulletin of Science and Practice. No. 12.

Валинурова, Л.С. (2015) Организация инвестиционной деятельности в отраслях промышленности: монография / Л. С. Валинурова. – М.: Палеотип, 80 с. / Valinurova, L.S. (2015) Organization of investment activity in industries: monograph / L. S. Valinurova. – М.: Paleotype, 80 p.

Вякина И.В. (2012) Инвестиционный климат региона: сущность и составляющие системы / И.В. Вякина, Г.А. Александров, Г.Г. Скворцова // Российское предпринимательство. Том 13. – № 16. – С. 98-103. / Vyakina I.V. (2012) Investment climate of the region: the essence and components of the system / I.V. Vyakina, G.A. Aleksandrov, G.G. Skvortsova // Russian Entrepreneurship. Volume 13. - No. 16. - P. 98-103.

Мурожаатнома (2018) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. [Petition \(2018\) Address of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoev to the Oliy Majlis. December 28, 2018. http://president.uz](http://president.uz)

Фатхутдинов Р.А. (1997) Разработка управленческого решения. – М "Интел-Синтез", 89 с. / Fatkhutdinov R.A. (1997) Development of a management solution. – М "Intel-Synthesis", 89 p.

Чубарин А.Н. (2001) Формирование механизма инвестиционной деятельности в сфере туризма на основе применения системы целевого управления. Автореферат. М.: / Chubarin A.N. (2001) Formation of the mechanism of investment activity in the field of tourism based on the use of a target management system. Abstract. М.: